



# Халқаро илмий-амалий конференция

(Боши 1-бетда)

Конференция иштирокчилари 2009 йил декабр ойининг охирида Ўзбекистонда бўлажак сайловлар сайлов қонунчилигига киритилган, бутун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришни таъминлаган ўзгариш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилишини қайд этди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонунга мувофиқ, жамиятни демократик янгилаш ва модернизац

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг сайловлардаги роли ва иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилганини таъкидлади. Депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан қўрсатилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалалари, яъни ҳал этилишидан, ўз сиёсий йўналишидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларнинг ўта муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та депутатлик ўрни берилди.

Сайлов қонунчилигида сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаб, имзо varaқаларининг тўғри тузилганлигини текшириш ҳуқуқи берилдиган ваколатли вакили институти киритилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Конференция иштирокчилари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни қўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий принциплар, вазифалар, устувор йўналишлар, асосий босқич ҳамда тадбирларни ўзида мўжассам этган ушбу Концепция хорижийлик экспертлар, конференция иштирокчилари томонидан бўлажак сайлов энг юксак демократик савияда ўтказилишига ёрдам берадиган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Концепцияда бутун сайлов комиссиялари тизими, муассасалар, сайлов жараёнига жалб этилган сиёсий партияларнинг фаолияти сайлов давомида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишни таъминлашга қаратилган аниқ белгиланган. Фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этивчи орган ҳисобланиши ва ҳеч кимнинг сайлов жараёнига аралашуви йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Концепцияда сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар беришни истисно этивчи қонунчилик талаблари ўз аксини топган. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир. Концепциянинг ушбу ва бошқа қоидалари конференциянинг чет эллик иштирокчилари томонидан жамиятда рўй бераётган чуқур демократик тўзғаришлардан далолат берувчи Ўзбекистон сайлов тизимининг юксак демократлиги намунаси сифатида юқори баҳоланди.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистонда сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказиш амалиёти аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнини чуқурлаштиришнинг муҳим омилига айланганини қайд этди.

Демократиянинг барча мамлакатлар учун универсал ва бир хил модели бўлмагани каби, сайлов тизимининг ҳам бир хил модели йўқлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда сайлов тизими, ушбу соҳадаги қонунчилик, бир томондан, умумэтироф этилган принцип ва стандартларга мувофиқ, иккинчи томондан, жамоатчилик оғли, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, мамлакат аҳолисининг аънавалари ҳамда менталитетини юксалтириш ҳисобга олинган ҳолда ривожланмоқда.

Халқаро конференция арафасида унинг иштирокчилари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Марказий сайлов комиссияси, Тошкент давлат юридик институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтида учрашувлар бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар давомида хорижийлик экспертлар сиёсий партиялар фракциялари фаолияти билан танишиш, сайловларнинг демократлигини таъминлаш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг ташкилий-оммавий жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистонда сайловларни ахборот-таҳлилий ҳамда мезърий-ҳуқуқий таъминлаш механизмига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

(У.А)

## Янги иш ўринлари — тараққиёт омили

Араби гиламлари билан машҳур Жейнов қишлоғида тўрт йил муқаддам аҳоли ва фермерларнинг сўт маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик қорхона очилган эди. Ўзбекистон Қарамони Муродулла Саидов ташаббуси билан ташкил этилган мўъжазгина мажмуада ҳар кун 1 тоннадан зиёд сўт қайта ишланади. Қаймоқ, сариг, бринза, кефир каби 12 хил маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаёпти. Натижада, фермер хўжаликлари ва фуқаролар хонадонларидаги сўт маҳсулотлари исроф бўлмапти, боз устига, жамоада меҳнат қилаётган 20 кишининг даромади ортиб борапти.

Ўттиз мингга яқин аҳоли яшайдиган Қўдла қишлоғида фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида европаликлар билан ҳамкорликда «Leather Karshi» Ўзбекистон-Герция-Швейцария қўшма корхонасининг ташкил топиши 50 нафар маҳаллий ёшларни иш билан таъминлабгина қолмай, бир ойда 12 мингдан 20 минг донагача тери қайта ишланмоқда.

Қашқадарёнинг олис тумани Чирочида 2008-2010 йилларга мўлжалланган аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳудудий дастурига кўра 5991 та янги иш ўрни вужудга келди.

Қарши шаҳридаги «Yasen servis» масъулияти чекланган жамият раҳбари 26 ёшли Хасан Муродов ҳудудга замонавий технология олиб кириш орқали сервис хизматини ривожлантиришга эришмоқда.

— Хитойдаги «Shangai yasen wash equipment» компа-

ниясида ишлаб чиқарилган ва кийимларни кимёвий усулда тозалаш учун мўлжалланган ҳамда Жанубий Кореядаги

бўртмалар қабул қилиш пунктини ташкил этди. Яна 3 та шундай шохобча очилар қилаштирилган.

# Меҳнат ва иш ҳақи кафолатланган

«Samsung» компаниясининг «Eso Silver» русумли кир ювиш мосламасини олиб келиб ўрнатган эдик, — дейди ёш тадбиркор биз билан суҳбатда. — Жорий йилнинг бошларида аҳолига маъший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, ҳозиргача 500 нафардан зиёд миқознинг буюртмаси сифатли бажарилди.

Сервис хизматини янада ривожлантириш мақсадида мазкур жамият Қарши шаҳридаги 7-микрорайонда туманда

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда Бандлик жамғармаси ва тижорат банклари томонидан 2,9 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 449 та янги қорхона ва цехлар ишга туширилди. Уларнинг 376 таси қишлоқларда жойлашган.

Бултур бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан 51,7 миң нафар фуқаро ишга жойлаштирилган бўлса, жорий йилда жойларда 93 миңга янги иш ўрни яратилган мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда Қаршидаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 43,8 фоизи хизмат кўрсатиш тизимига банд. Шаҳар бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 42,3 фоизи уларнинг қўл меҳнати билан яратилмоқда.

«Сарбон», «Афсона», «Асп-монхоналари», «Мўъжиза», «Асп-мўъжизаси», «Оригинал», «Наврўз», «Апельсин», «Егду», «Боғшамол» каби мажмуаларнинг ҳар бирида 50 тадан 100 тагача ходим хизмат қилади.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Азамат Гавошов биз билан суҳбатда қишлоқларда фуқаролар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Фермер хўжаликларини оптималлаштириш жараёнида 168 миң нафар фуқаро ишга жойлаштирилиб, уларга меҳнат шартномалари расмийлаштирилди.

Муқим иш ўрни бўлса, ойлик маош вақтида берилса, ҳар бир кишининг кўнгли хотиржам, рўзғори тинч, дастурхони тўкин бўлади.

Иззат ХИКМАТОВ, «Ishonch» муҳбири

## Бугуннинг гаплари

### Солиқдан қарздорлик йўқ

Марҳамат туманидаги Давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими ноири Алимардон Уринов фидойилиги боис ҳамкасбларининг ҳурматини қозони. У ўтган йили ўз ҳудудида маҳаллий солиқлар йиғини бўйича белгиланган йиллик режани ошириб бажарди. Жумладан, Кўтарма қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ер солиғи тўловчилардан 27 миллион 275 миң сўмга яқин солиқни тўла ундирди.

Шунингдек, тўрт нафар гайриқонуний фаолият юритаётган шахсни аниқлади ва уларнинг 2 нафари қонунга тегишли тарзда жазимага тортилиб, фаолиятига чек қўйилди.

## Хўрандалар

### мамнун

Марҳаматлик тадбиркор Абдувайид Жумабоев туман деҳқон бозорини ҳудудда «Абдуқодир ота» ошонасини очиб, 20 нафар ёш ишга жалб этди.

Ҳозирги кунда бу ерда тайёрланаётган лаззатли таомлардан хўрандалар мамнун.

Худди шу ҳудуддаги Абдумухтор Арслонов ва Шакархон Арслоновларга тегишли ошонга ҳам доимо гавжум бўлиб, 40 нафардан ортқ киши фаолият юрляпти.

Абдураул ЭРАЛИЕВ



## Сифатли матолар тайёрланмоқда

Эллиқалъа туманидаги «Едгорлик-Бўстон» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларига талаб ортмоқда.

Бу ерда 26 нафар хотин-қиз дастлабки ўқув босқичини тугатиб, шойи, атлас, адрас каби тайёр маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Улар тайёрлаётган матолар юқори сифати билан харидорлар эътиборини тартаётди.

Суратларда: ишчи Дармон Қодирова; чапдан) ишчи Зулхумор Содиқова уста Муродил Исоков ва ишчи Наргиза Матқубова маҳсулот сифатини текширмоқда.

Арслой КАННАЗАРОВ (У.А) олган суратлар



# Мақсағ — тадбиркорга кўмак

Сирдарё вилояти ишбилармон аёллар уюшмаси Япониянинг 19 миң 800 доллар миқдоридagi грантини қўлга киритди. Ушбу маблағ уюшма қошида фаолият юритаётган ўқув марказини техник жиҳозлашга йўналтирилди. Тикув, қандалчилик цехлари ва сартарошхона учун замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. 11 та тикув машинаси,

5 та компьютер харид қилинди.

— Ўтган йилнинг тўртинчи чорағида марказимизда 32 нафар хотин-қиз касб ўрганди, — дейди уюшма раиси Мавжуда Мирбаратова. — Бу ерда ўқиб, сертификат олганларнинг аксарияти банкдан ажратилган кредит ҳисобига ўз фирмаларини очиб, мустақил фаолият юрляпти. Жумладан, 2008 йилда 199 нафар аёл «Омад»

уюшмасидан 835 миллион 872 миң сўм кредит олиб, ўз ишини йўлга қўйди ва 450 та янги иш ўрни яратди. Жорий йилнинг январ ойида эса 18 нафар тадбиркор аёл 104 миллион сўмлик кредит эвазига 54 нафар кишини иш билан таъминлади.

Пиримқул ДУСТМАТОВ, «Ishonch» муҳбири

## ЭЛИМ ДУБ...

Бугунги кунда қишлоқларимиз тараққиётини бунёдкор, ишбилармон фермерларимиз эса тасаввур қилиб бўлмайди. Азалдан қонимизда бўлган олий-ҳимматлик эса фуқаролар турмуш фаровонлигининг тобора яхшилланишига олиб келаётди.

Қизилтепа тумани марказидан анча олинсада жойлашган Арабхона маҳалласида бўлаётган ўзгаришлар беҳити эътиборимизни тартибга солишга қўрсатилаётган хизмат турлари кўлами борган сари кенгаймоқда. Фуқаролар йиғини фаоллари атрофига бирикаётган ҳомийлар ўз ҳамқишлоқлари тақдирини, моддий химояланишига бефарқ эмаслиги кишини қувонтиради.

Қишлоқдан ўтаётган пилла терилаётган хонадонлардан бирига рўбарў келдик. Эндигина биринчи хона ҳосили шувоқдан ажратилаётган экан. Толлар тағига солинган узун кўрпачадан жой олган хотин-қизлар пиллани нуқра қилиш билан банд.

— Хорманглар, қани хирмонга барака. — Умрингизга барака. Хуш келибсанлар. Звено бошлиғи Муслима Маҳмудова ҳамроҳлигида пилла бостирилган хоналар шароитини кўздан кечирдик. Уртамиёна хоналар туриб, ипак қўрти учун деворларида оҳор ва ганж қўйилган меҳмонхонанинг ажратилганлиги бизни бироз ажаблантирди.

— Ўзи митти бўлгани билан бу жониворлар нимикдор тозаланиши яхши кўради, — дея тушунча берди мезбон. — Улар ўзларига ёш болага қилингандек, меҳр

ва парвариш бериши мизни хохлашади. Табиат уйинларини айтмай-сизми? Тунов қуни қаттиқ жала пайтида

қўшимизнинг уйига бостирилган ипак қўртидан хабар олгани борсам, томининг бир неча еридан томчи ўта бошлади. Чопон-чўликлар етмагач, эгнимда кийиб турган халатимни жониворлар устига ёпиб, уйга юпун қайтдим.

Звено аъзоларининг бу қадар қуюнчакиги бежиз эмас.

«Зарафшон тўлкини» фермер хўжалигида меҳнат қилувчи пиллакору пахтакорларнинг ҳеч бири ўз фидойиликларида афсусланган жойи йўқ. Ўтган йили аъзолар ҳар бир килограмм пилла учун нақд пул олишган. Боз устига, юқори кўрсаткич соҳиб рангли телевизор, қолганлар эса қиммат-

баҳо гиламлар билан муқофотланган. Гулсара Хамидова, Зариф Ашуров, Комила Турдиева сингари маҳалла ва хўжалик фаоллари билан суҳбатлашар эканмиз, фермер хўжалигида меҳнатнинг қадри топиши ва аъзолар манфаати учун талай эзгу ишлар қилинаётганлиги-

6 та оиладан иборат кам таъминланганлар рўйхатини тутқаздик. Абдуқаҳҳор ака ўша кунлик ўғлини ёнига олиб рўйхатдаги хонадонларга бир халтадан бугдой, 20 миң сўмдан пул тарқатиб чиқибди. Шу-шу у киши билан инсонпарварлик йўлидаги ҳамкорлигимиз давом этади. Хўжалик маблағи

сирегача эгаллаган удабурон йиғитлардан. Бошқа ёшлар сингари унинг ҳам мухташам уй-жой кургиси, бошқа касбдошлари сингари машина мингиси келади...

— Ўтган йили бугдойнинг «Чиллаки» навидан экиб, барака топдик, — дейди Бобуржон. — Ҳар гектаридан 60 центнергача ҳосил кўтарилиди. Шартнома режасини ошириб бажаргач, қарийб 16 тонна бугдойни шундоқ ховлимиз ёнига тўқдирдик... Чамалаб кўрсам, яп-янги «Матиз»нинг қийматидан ҳам анча банд нархга сотишимиз мумкин экан. Орзумни отам билан маслахатлашган эдим, «Болам, юр, аъзолар яшаш тарзидан бир хабар олайлик», деб қолдилар. Қишлоқни айлана-чўққиб, эрталаб у кишининг фикрлари ўзгарди. «Матиз»ни кейинроқ минармиз. Бор, аъзоларга хабар қил. Фалла учун ҳар бири ўнганда халта олиб келишини, деди. Шу тарзда хирмон кичрайиб, 2 тонна галла уйда қолди. Улар пахта яғнаси ва қатқалоқ синдириш каби дала юмушлари сифати учун қўшимча сарфланади.

Бобуржонга ҳавасимиз келди. «Олтин олма — дуо ол, дуо олтин эмасми?» нақлининг мазмунини Бобуржон Гаффаров каби қачиб улгурган инсонлар сафи янада кенгайтиришни яратгандан сўраб қолдик.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

# «МАТИЗ»НИ КЕЙИНРОҚ МИНАРМИЗ...



олийҳиммат фермер аъзолари яшаш тарзини ўрганиб чиққач, шундай ҳулосага келди

га амин бўлдик. Ҳар бир байрамда аъзолар учун тўкин дастурхон ёзилади. Шунингдек, гўшт, ун маҳсулотлари бепул тарқатилиб, байрам ушундлиги баҳам кўрилади. «Ҳосил байрама»да 26 та аъзонинг ҳар бирига қимматбаҳо қалин гиламлар тўхта қилинди.

— Учта қишлоқдан тарқиб топган маҳалламизда 2280 нафар фуқаро истиколат қилади, — дейди Арабхона маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойбек Камолов. — Элчилик эмасми, улар орасида моддий жиҳатдан қийналиб яшаётганлари ҳам йўқ эмас. Бир гал «бизга бирор хизмат йўқми?» дея кириб келганида, «Зарафшон тўлкини» фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдуқаҳҳор Гаффаровнинг қўлига

Энг узун ва завқли кунлар

# ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ



оила фарзандлари бундай имкониятдан баҳраманд бўлади. Салор, Гулстон, Хумоюн, Ҳамид Олимжон, Югнакий, Гулзор, Азамат, Улуғбек номидаги маҳаллаларда уюштирилган саводхонлик сабоқлари болалар учун тарбия мактабидан рағбатлантирилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз бўйлаб саёхат уюштирилади. 1000 нафар аёл-чи ҳамда кам таъминланган

Ўқувчиларни ёзи таътилда хар томонлама чинқилтириш ва соғломлаштиришда касабаси уюшмаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Таълим ва фарҳанга қисми Таълим ва фарҳанга қисми Мирзо Улуғбек тумани кенгаши амалга ошираётган ишлар тахсинга сазовор. Туманда 1-7-синфларда ўқийдиган болалар 13.808 нафарни ташкил қилади. Бу йил шахар ташқиротидидаги 18 та оромгоҳда 6254 нафар, мактаблар қошидаги 4 та оромгоҳда 1760 нафар ўқувчи дам олади. 19 та мактабнинг соғломлаштириш майдончаларида 1720 нафар, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида 1678 нафар бола жисмонан чинқиб, таътилни мазмунли ўтказди.

завқли, таассуротларга бой бўлмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомий ташкилотлар билан биргаликда турли маданий-маърифий тадбирларни уюштиришдан ташқари спорт йўналиши, компьютер саводхонлиги, хорижий тилларни ўргатиш лойиҳаларини ҳам амалга оширмоқда. Хусусан, ўқувчилар ижодиёти марказидаги 49 та тўғрада 2938 нафар боланинг хунар урганайотганлиги отаналарни хушнуд қилапти.

ловлар ўтказмоқда. Бу эса болаларда катталарга хурмат, маҳаллага эътибор ҳиссини уйғотаётди.

— Ёзи соғломлаштириш лойиҳасида бирорта ҳам ўқувчи эътибордан четда қолмаслигининг чорасини қўриб қўйдик, — дейди туман Халқ таълими бўлими мудири А.Набиев. — Туманда маҳаллалар билан мактаблар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. «Ёз-2009» лойиҳаси асосида 3 босқичда 15 спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Уларда 1500 та бола қатнашди. Фолиблар маҳалла, мактаб ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан рағбатлантирилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз бўйлаб саёхат уюштирилади. 1000 нафар аёл-чи ҳамда кам таъминланган

## Орамиздаги одамлар

**Зебинисо Маматқулова Самарқанд Давлат университетининг рус филологияси факултети тугаллаб, иш фаолиятини 1987 йилда Бахмал туманидаги 4-мактабда бошлади.**

1989 йилда турмушга чиққан, мана 20 йилдирки Булуғтур тумани Килдон кўрғонидида 2-мактабда ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Айни пайтда у мактабда хотин-қизлар Кенгашининг раиси. Юмушлар ҳам шунга яраша. Нима бўлди-ю, юқори синф ўқувчиларидан бири тез-тез дарсга келмайдиган одат чиқарди. Шу баҳона ўша ўқувчининг ота-онаси, уйдаги ахвол билан танишди. Билсакки, рўзгор тебратиш учун ёлланган ишларкан. Зебинисонинг қалби оғриди. Мактаб жамоаси, уйдагилар билан маслаҳатлашиб, кўрпа-ёстиқ, чойшаб, қуруқ ва каштачилик билан шугулланувчи «Нуржаҳон» хусусий корхонасини очди. Натижада, 16 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

лаб, тадбиркорликка ўтиб кетади, деганди. Аксинча, у хар иккала ишни ҳам қойилмақом қилиб йўлга қўйган. Ҳақиқатда дурс беришининг илгор услубларини ишлаб чиқди. 2 та ўзбекча, русча сўзлашув лугатини чоп эттирди. Мактаб

кашталар имтиёзли нарҳда берилмоқда.

— Ҳақиқатда, тадбиркорлик, жамоат ишлари, оила ташвишлари билан ҳаммасига қандай улгурасиз? — сўраймиз беихтиёр.

— Кишида истак бўлса, қалби ўзи ёқтирган ишга талпиниб турса, ҳаммасига улгурса бўлади. Айтишадими-ку, касблар ичида энг улғи ўқувчилик бўлса, хунарлар ичида энг улғи тикувчиликдир. Ҳақиқатда инсон ички дунёсини бойитса, тикувчи унинг ташқи курашнинг беэида, — дейди З.Маматқулова.

Зебинисонинг орзулари бир дунё. Шу кунларда «Нуржаҳон» хусусий корхонасида ишчи ўринлари сонини 20 кишига етказиш ниятида. Тушган даромадининг асосий қисмини касабаси уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ва ҳомийлик ишларига йўналтирмоқчи. Шу мақсадда, тумандаги боғчалар, марказий шифохона буюртмаларига асосан кўрпа, ёстиқ ва уларга жилд тикишни бошлаб юришган.

Мамашариф НЕЪМАТОВ, Савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Булуғтур туман вакили

# Беором қалб

— Мен бу ишни иқтисодий фойда қўриш учун бошлаганим йўқ. Кам таъминланган оилаларга харна кўмагини тегиши учун ишга бош қўйдим, — дейди Зебинисо. — Ҳақиқатда ишчиларни оиласини ўрганиб, ёрдамга муҳтож бўлган оила аъзоларини ишга ола бошладим. Мактаб маъмурияти бундан хоналардан бирини корхона иштиёрига берди. Дастлаб тикишни қўлда бажардик. Утган йили Халқ банкининг Булуғтур туман филиали берган 4 миллион сум кредитга 10 та тикиш машинаси сотиб олдик.

хотин-қизлар кўмитасининг раиси сифатида юқори синф ўқувчи қизлари учун гигиеник ва одоб-ахлоқ мазмунидаги суҳбат дафтларини жорий этди. Кам таъминланган ўқувчиларга эса вақти-вақти билан ўз хусусий корхонаси ҳисобидан ўқув қуроллари, кийим-кечаклар олиб беришни йўлга қўйди.

— Кичик корхонамизда касабаси уюшмаси билан келишган ҳолда қулай меҳнат шароити яратганмиз. Касаба уюшма аъзолари меҳнатини муҳофаза қилиш ҳамма эътиборимизда, — дейди Зебинисо. — Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларнинг ўғил уйлантириш, қиз чиқариш тўйларига кўрпа, ёстиқлар,

## Иқтисодий раванқ омили

**Утган йили қўчга қирган Солиқ кодекси республикамиз иқтисодиётини юксалтириш борасида меҳнат қилаётган барча солиқ тўловчилар учун қатъий қўлайликлар яратди.**

Солиқ ставкаларининг йил сайин камайиб бораётганлиги тадбиркорларни янги йўналишга йўналтирмоқда. Жумладан, Сенатнинг 2008 йил 4 декабрдаги қарори ва Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида» қарори қабул қилиниши ҳам солиқ тўловчилар учун бирмунча энгилликлар яратди. Ушбу қарорга асосан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълимининг ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1 фоиз миқдорда, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 фоиз миқдорда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий сўғурта бадаллари ставкаси 3,5 фоиз миқдорда тасдиқланди.

Жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхоналарни таъсис этишдан олинган дивиденд тарзидаги даромадлари, юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилинган йўналтирилган маблағлари 5 йил муддатга солиқлардан озод қилинган. Ягона солиқ тўловчилар тушумлари давлат бюджетини, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълимининг ривожлантириш жамғармаси ўртасида Молия вазирлиги белгилайдиган миқдорларда тақсимланади.

Ягона ижтимоий тўловлар тўлиқ тушишини таъминлаш учун 2009 йил январидан бошлаб қўйидаги тартиб ўрнатилди, унга кўра ягона ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш меҳнат ҳақи фонднинг 24 фоизи, лекин барча ҳужалик юритувчи субъектлар учун (фермер ҳужаликларидан мустасно) хар бир ҳодим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда, фермер ҳужаликларидан учун хар бир ҳодим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда амалга оширилади.

Қорақўл тумани солиқ инспекцияси ходимлари солиқ тўловчиларга қўнғилликдаги ўзгаришларни ўз вақтида етказиш учун мулоқот ва семинарлар ташкил этишмоқда. Солиқ тўловчиларга фаолиятини тўғри ташкил этиш бўйича маслаҳатлар берилади. Айни пайтда туманда 32 та фойда солиғи тўловчи, 27 та қўшима қиммат солиғи тўловчи субъект фаолият кўрсатмоқда. «Пайжентекстиль-Америка» хусусий корхонаси, «Стомасервисэндоментик» корхонаси сингари кўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўлашда имтиёздан фойдаланувчи корхоналардан ҳисобланади.

1996 йилдан бундан фаолият кўрсатаётган «Пайжентекстиль-Америка» корхонасида айни пайтда 89 нафар ҳодим меҳнат қилади. Товар айланмаси 1 млрд 219 млн 100 минг сумни ташкил этади. Корхона маҳсулотининг 100 фоизини хорижга экспорт қилиши боис имтиёзли фойда солиғидан 1 млн 399 минг 400 сум миқдорда даромад қилади. Давлатнинг томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга берилаётган бу каби имтиёзлар иқтисодий жиҳатдан бақувват ҳужалик юритувчи субъектлар сифатини кенгайтириш ва янги иш ўринларини қўлайтиришнинг муҳим омилдир.

**Бафокўл СОБИРОВ, Қорақўл туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**

## Замонамиз аёллари

Ҳаётда шундай одамлар борки, босган изидан гул унади. Бундай инсонлар гўё ўзидан нур таратади, давраларга фазл бағишлайди.

Ҳақиқатда йўлдош аканинг қизи Раъно ана шундайлар сирасидан. Но-зиктаб, баъзан шеър ҳам машқ қилади. Бу ҳавас ёшлиғидан ҳамроҳ. Мактабда ўқиб юрган кезларида илк тингловчилари синфдош дўғоналари бўларди.

— Сендан зўр шоира чиқади, — дейишарди улар.

— Мен журналист бўлман, — дерди Раънонинг ўзи.

Ҳақиқатда қанчалик оқиб турган қоним, воқ-эй, қум ичида қилиб кетмиш пажурда бу жоним, оқ-эй...

Балки рустдан ҳам қатта шоира бўлармиди. Бироқ ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари бор. Орзуларнинг бари ҳам рўёбга қаваермайди. «Шароит» аталмиш буюк девордан ҳатлаб ўтишининг ўзи бўлмайди. Ота орзулари осмон қизининг шаштини қайтарди. «Қиз бола, пахламон тоши. Қуни келиб ўзга хонадонга отилади. Қайнона-қайнона, умр йўлдоши ва фарзандлар... Журналистика соҳасининг машаққатлари кўп. Хизмат сафарлари, туниги навбатчиликлар ва бошқа муаммолар дегандай, ўйлаб қўр...»

Раънонинг боши коти. Шу пайтга қадар отасининг гапини икки қилганмас. Қолаверса, отаси ҳужали сўзлайди. Пировардида, қиз унинг қасбини танлади. Вақти келиб турмушга чиқди. Икболи баланд экан, дуруст оилага келин бўлиб тушди. Нуриддин ер-қўкка ишонмас, Самандар ака билан Раънога опа уни ўз қизидек қўришарди. У қайнонасиндан кўп нарса ўрганди. Турт нафар ўғил-қизнинг онаси бўлди. Ниҳомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимини шу даврда битириб, мактабда дарс берди. Туман халқ таълими бўлимига бир муддат мударалик қилиб, раҳбарлик салоҳиятини сайқал топтирди. Сўнг туман марказидаги санаторий тилидаги мактабдаги тарбия муассасидада ўзини топди. Иш дегани қайнаб-тошиб ётарди.

Қартайиб, қўзи шам қолдигидек милтираб турса-да, ота-она ҳаёт юрғани дуруст экан. Отаси унинг уйи юрагиди бир чирок ўчди. Кўнгул ўйи бўшаб қолди. Айна пайт ўзига келолмай, каловланиб юрди. Болалигини

соғинар, ўтган кунлар бир-бир ҳаёл кўзгусидан ўтарди.

Йўлдош ака шўх-шаддош шу қизини беҳад яхши қўрарди. Велосипед миниб юрганини кўрса ёки мотопедликда тариллатиб ёнидан ўтиб қолса, хўрсиниб: «Раъно ўғил бола бўлса бўларди», деб қўйганлари, қизи ўлғайиб «Нексия»сини ёлдириб юрганида «Унта ўғилга татийди», деб мийиғида қулганларини кўп эсгарди.

Отасини кўмсаб юрганида икки навқирон ўқаси ва бир синглиси ҳам қазо қилди, унинг бир гами ўн бўлди.

Ҳақиқатда қанчалик оқиб турган қоним, воқ-эй, қум ичида қилиб кетмиш пажурда бу жоним, оқ-эй...

Утирса ўрни, юрса йўли қуяр, тирикликнинг абадий эмаслигиндан наҳадат чекарди. Шундай ситамли кунларда иш билан овунди. Нуриддин, ўғил-қизлари, дўст-ёрлари қўнғил дардига малҳам бўлди. Ўғли Шарофиддин ҳуқуқшунослик факултетига қирган қуни қўнғил бир газ ўсди. Қолин туширган қуни эса қувончдан ойидек тўлди. Шу кун отасини тикишда

кўрди. У оппоқ либосда, юзидан нур ёғилиб турарди.

Раъно қушдек энгил бўлиб уйғонди. Жаннатвор ховлисига қичиб, ер юмшаётган турмуш ўртоғининг олдига борди. Қўнган тушини айтиди.

— Бу отан сендан рози кетганидиган. Сира кам бўлмайсан, — деб қўйди Нуриддин ака.

Раъно хушнуд жилмайди. Шўқроналик ҳисси қалбини қамраб олди. Ўйга қирғанди, бехос телефон жиринглади. Гўшақни олса, Нуқсудан Шарофиддин. Ўғли билан гаплашиб бўлиб, келинига

рункали бронхит, сурункали лор, нутқига нуқсонли бор ва буюқ хасталиғида йўлққан 200 нафардан ортиқ кичкинтой меҳр оғушида тарбилланганди. Боғчада барча шарт-шароит мўҳайб этилган. Спортга қатта эътибор қаратилмоқда. Жисмоний даволаш машқлари «Болалар шахарчаси» деб номланган махсус майдончада ўтказилади. Киши спорт зали ҳам тўла жиҳозланган. Болаларнинг ёшига қараб бадан тарбия мажмуаси қурилган. Туғма ёси оёқли болалар учун ўқалаш тахта йўлакчалари мажбурий. Шунингдек, фитобар, маънавият ва маърифат, лингофон, компьютер, рухий тинчлантирув хоналари жажжирлар хизматида.

Бундан ташқари, 2,5 таноб ерда иссиқхона бунёд этилган бўлиб, қиш кунларида бодринг, помидор, ошқўқлар етиштирилади ва болажонлар дастурхонига тортилади. Ортиб қолган мажбулотларнинг ҳам ўз харидорлиги бор, тушган маблағ боғанин қорига ярайди.

— Бугунги кунда замонавий таълим-тарбия жараянининг долзарб вазифаларидан бири мактабга таълим муассасаларида янги технология турларидан фойдаланишдир, — дейди Раъно. — Маълумки, таълим жараяни педагогдан ижодий ёндошушни талаб қилади. Хар бир болани қобилиятига қараб тўғри йўналтириш ва мустақил фикрлашга ўргатиш зарур.

Меҳнат қилган ҳали кам бўлган эмас. Хизматлари қадрланиб, «Шўҳрат» медали соҳиб бўлган қуни бундан чўқур эҳтис. Қувончи тошиб, гайратига гайрат қўшилади. Жамоа ахли билан ҳамкорликда боғча атрофига қатор тераклар эктирди. Бир кун келиб бу ниҳоллар азамат даракларга айланади. Қасб сотилса, қўнғил кишиларнинг ёғочга бўлган эҳтиёжини қондиради. Боз устига, келиб тушган маблағ кичкинтойлар ҳаётини янада фаровон этишга сарфланади.

Бу сўлим тўшада барча бир-бирига қамарбаста. Боғча бошланғич касабаси уюшмаси туман касабаси уюшмасининг таянч кўмитаси ҳисобланади. Касабақўл Замира Қўрбонбоева хар бир ишни амалга оширишда мудирани билан ҳамфирма ҳаммадас.

Тўртқўнғил Раъно Рўзимбетова ана шундай беназир инсон. Диплада орзулар туғени жўш уртади. Мақсади битта. Болалар эл-юрта фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб воғча етсин.

**Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири**



## Эронда президент сайлови

12 июн кунин Эронда президент сайлови бўлиб ўтди. Унда Маҳмуд Ахмадинажот сайловчиларнинг 62,6 фоиз овози билан ушбу лавозимга қайтадан сайланди. Мамлакатнинг собиқ бош вазири Мир Хусайн Мусавий 33,8 фоиз овоз тўлади. Қолган икки номзодни жами 2,5 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган.

Айни пайтда, Мусавий Ахмадинажотни сайлов натижаларини сохталаштирилганликда айблапти. Эроннинг олий қонунчилик органи — Конституция қўриқчилари кенгаши Мусавийнинг ариазини қўриб чиқиш учун қабул қилди. «Reuters» агентлигининг хабар беришича, кенгаш 10 кун ичида ариза юзасидан қарор чиқариши керак.

Ўз навбатида, Мусавий Ахмадинажот муҳолифатнинг барча айбловларини инкор қилмоқда. Эроннинг олий раҳбари Али Хумайний эса сайлов натижасидан норози бўлган фуқароларни қайта сайланган президентни қўллаб-қувватлашга чақирмоқда.

## Осмон яқин... Францияда

Кеча эрталаб Францияда жаҳондаги энг йирик авиакўргазмалардан саналган «Ле Бурже — 2009» авиасалони иш бошлади. Унда қўнғил машҳур авиация компаниялари ўз махсулотлари билан қатнашмоқда. Кўргазма 21 июнга қадар давом этади.

Франциядаги авиасалон 48-мартга ўтказилган. Унга 1908 йили асос солинган. Шундан бошлаб у мамлакатнинг турли аэропортларида уюштирилган бўлса, 1953 йилдан бошлаб Ле Бурже шаҳрида, икки йилда бир марта ўтказиб келинади.

## Одам ўғрилари

Яманда чет эл фуқароси бўлган 9 киши, жумладан 3 та бола ўғирлаб кетилди. Уларнинг еттигиси Германия, биттиси БуюкБритания, биттиси Жанубий Корея фуқароларидир. Хорижликларнинг баъзилари инсонпарварлик ёрдами кўрсатуви байналмиқал тўғри аъзолари, айримлари уларнинг тушуларини бўлган.

Ушбу гуруҳ 11 июн кунин сайр қилаётган пайти йўқолиб қолган. Ҳукумат эса уч кундан сўнггина уларнинг ўғирлаб кетилганини расман эълон қилди.

Хозирча ўғирланганларнинг қаерда эканлиги номаълум. Охириги 15 йил мобайнида мамлакатда 200 га яқин хорижлик ўғирланган. Уларнинг деярли барчаси асирликдан озод қилинган.

## Барқарорлик аломатлари


Италиянинг Лече шаҳрида бўлиб ўтган «Катта саккизлик»ки кирувчи давлатларнинг молия вазирлари учрашувида таъкидландики, барқарорлик аломатлари қўринаятган бўлса-да, жаҳон иқтисодиётидаги вазият ҳамма ноаниқликни қолдирди.

Вазирларнинг қайд этишига қараганда, тез орада иқтисодий ўсиш тикланган тақдирда ҳам ишисизлик қўнғил. Улар, шунингдек, ўз мамлакатларининг банкларни қўллаб-қувватлашда давом этиши ҳамда инкироздан кейинги иқтисодиётни тиклашнинг миллий стратегияларини ишлаб чиқишни бошлаш хусусида ҳам келишиб олишди.

«Катта саккизлик»ки БуюкБритания, Германия, АКШ, Канада, Италия, Япония, Франция ва Россия қиради. Молия вазирларининг учрашуви 8-10-июн кунлари Италиянинг Аквила шаҳрида бўладиган «Катта саккизлик» давлат бошлиқларининг саммитига тайёргарлик вазифасини ўтади.

**Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади**

Тошкент Давлат аграр университетини томонидан 2001 йил **Парпиев Сирожиддин Тожиддинович** номига берилган **В** сериали **051755** рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **бекор** қилинади.



Баходир РАЖАПОВ олган суратлар

# Боғ аро қўйсам қадам...

Боғ ҳақида гап кетганда, табиийки, гулзор, мевазордан иборат, қушлар хониш қилаётган гузал бир гўша кўз олдимизга келади. Боғи Эрамни-ку хаёлан тасаввур қиламиз. Бироқ шахримизда ҳам ундан қолишмайдиган сўлим масканлар бисёр эканлиги ва уларда вақти-вақти билан ҳордиқ чиқариб туриш лозимлигини доим ҳам ўйлаб қўраймиз. Поэтизмнинг Чилонзор туманида жойлашган Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи шулардан биридир. Интервью олиш баҳонасида боғ дарвозасига яқинлашар эканман, қандайдир тадбир устидан чиқдим. Суриштирсам, болалар кўнига бағишланган дастур намойиш этилаётган экан.

лигимга афсусландим. Айниқса, боғ тўрида жойлашган жонли бурчак (кичик зоопарк десак ҳам бўларкан) эътиборимни тортиди. Бу ерга кирган одам минг хил рангда товланаётган товусдан тортиб, Африка туяқуши-ю кутб ва дашт туликлари, бўри-ю чиябўриларни кўриб, ўзининг истироҳат боғида эканлигини нутиб қўяди. Ҳамроҳим бўлмиш Баходир ҳам жониворларга жуда қизиқар экан, уларни завқ билан суратга туширди.

## Боғ тарихига бир назар

Даврлар ўтиши билан шахрлар катталашиб, ҳудудини кенгайтириб борган. Хусусан, 2200 йиллик тарихга эга қўша Тошкентда ҳам не-не воқеалар юз бермаган дейсиз. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1963 йил 4 январдаги фармони билан шахримизда Чилонзор тумани ташкил топди. Шу йилдан бошлаб мазкур туманда ободлаштириш ва қурилиш ишлари авж олди. 1967 йилга келиб туман аҳолисининг сони 370 минг кишига етди. Бу ерда меҳнатқашларнинг ҳордиқ чиқариши учун қўлаб маданий-маърифий ва спорт иншоотлари қурила бошлади. Уша вақтда ягона бўлган «Ўзбекистон миллий боғи»га янги туман ва мавзёлардан қатнаш ноқулай бўлиб қолди. Шу боис Чилонзор туманида истироҳат боғини ташкил этишга эҳтиёж туғилди. Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг 1967 йил 14 февралдаги қарорига асосан тумандаги «Қозиробод» маҳалласи экинди ташландиқ бўлиб ётган 22 гектарлик майдон ўзлаштирилиб, маданият ва истироҳат боғига айлантди.

Дастлаб боғ «Ўзбекистон комсомолнинг 40 йиллиги» деб аталди. Туман маъмурия б. бошчилигида жашар уюштирилиб, маҳаллий аҳоли ва ёшлар ёрдами билан ерлар

теқисланиб, сув чиқарилди. Эман, қарағай, чинор, арча, терак, тол каби манзарали, ёнғоқ, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари экилди. Шунингдек, 4 гектарлик қўл ҳам барпо этилди. 1968 йилга келиб Ўзбекистонда эстрада оркестри ташкил топди. Шу йиллари боғда таниқли ёзувчи ва шоирлар, актёрлар билан учрашувлар, спорт мусобақалари уюштирилди. Сал ўтиб, қўлда «қайиқлар бекети» қурилиб, дастлабки қайиқлар келтирилди.

1970 йилдан бошлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун очиқ майдон (сахна) қурилиб, кинофильмлар курсатили бошланди.

1990 йилда бокка Мирзо Улуғбек номи берилди. Ўртимиз мустақилликка эришган, боғ янада кўркамлаштирилди. Атракционлар сони йилдан-йилга ортиб борди.

2003 йилнинг май ойида Ўзбекистон халқ шоири, академик Гафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги бутун республикада кенг нишонланди. Шу муносабат билан боғда шоир ҳайкали ўрнатилди ва унинг очилишида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Шу йили бокка Гафур Фулом номи берилди. Бу ерда ёзи мавсумида тадбирларнинг кети узилмайди. Ҳар куни тумонат одам. Бокка кирган киши ўзида байрамона кайфиятни хис қилади. Ҳатто киша ҳам атракционлар ишлаб туради. Чархалакка чиқсангиз, бутун шаҳар кўз ўнгинида намён бўлади.

Хуллас, шахримизда ўзига хос ўрин тутган мазкур боғ нафақат истироҳат маскани, балки маънавият ва маърифатни тарғиб қилувчи ажойиб бир марказ десак, муболага бўлмайди.

Сайёра ШОДИЕВА, «Ishonch» мухбири

## Инсон ўзини!

Мақтабда бирга ўқиган жўрам айтиб қолди: «Қирк йил ҳайдовчилик қилдим. Лекин йўлдаги бирорта жониворни босмадим. Айланиб ўтдим, иложини тополмасам машинани тўхтатдим». Саилқулнинг сўзларини эшитиб, кўз пайларни асфалт йўллари кесиб ўтаётган типратиканлар, йўл четига сочилиган долларни териб эйдиган қабуллар, халқобларга уруғ ташлаган қурбақалар, бўғотларга уя қириш учун хас-чўп, пахта-жун қолдиқларини ташийётган мусичалар, айвонлардаги болорларни тузалётган қалдиригочлар, юқори қўчалнишли темир столбаларга уя қўйган лайлақлар кўз олдимга келди. Табиат уларга ҳам яшаш учун бир олам ташвиш, насл қолдириш туйғусини берганини сезасиз.

Кесақ остида гўмбагини қучоқлаб олган ўргимчаклар-чи? Уясининг олдига тупроқ уйган қўрсичқонлар-чи? Улар ҳам табиатда ортиқча нарсанинг ўзи йўқлигини бизга англатиб қўётганга ўхшайди. Агар уларнинг бирортаси бўлмаса, табиат занжирининг битта ҳалқаси йўқлиши турган гап. Кейин бу жониворларни музейлардан, қизил китоблардан қидиришга тўғри келади.

Аллақайси журналда ўқиган эдим, ривожланган баъзи давлатларда йўллар ўрмон, тоғ ё даладари кесиб ўтса, махсус қувурлар ўрнатишар экан. Улар қанотсиз хашаротлар, ёввойи ҳайвонлар учун мўлжалланган. Бизда эса... Йўлда босиб кетилган типратикан, илон, қушларни кўрганингда юрагинг ачишади. Айниқса, йўлимиздан қора мушук чиқиб қолса, ҳайдовчи жон-жаҳди билан машинанинг газини босади. Нима эмиш, қора мушук йўлни кеса, шў чаппасига кетаркан.

Бир кун мақтабда ўртокларига мактанаётган ўқувчининг галини эшитиб қолдим. Бу шоввоз бақани ушлаб озгига нос солибди. Сўнг жониворни нос элитиб роса иргиллабди. Кейин эса... Бўегини айтишга тилим бормаиди. Бу воқеадан сўнг ўша ўқувчи қалбида табиатда меҳр бор деб бўладими? Парранда-даррандалар



# Табиат

ҳаётини кузатиб, улардан ўрناق олса бўладиган туйғулар кўлиги ҳақида ўйлаб қолсан киши. Айғир ўзининг яқин наслига умуман «яқинлашмайди». Буни менга жиззахлик от-боқар Талғат Сабдулов ҳаяжонланиб гапириб берганди. Оқшун жуфти ҳалок бўлса, қучи етганча осмонга кўтарилиб, ўзини ерга уради. Қалдиригочнинг инсонга келтирган фойдаси ҳақида гапирибди ортиқча деб ўйлаймиз. Кейинги пайларда бу жониворлар-

ни уйига, ошхонасига, айвонига қўймайдиганлар ҳам чиқиб қолибди! Бу қуш қони фойда-қувин бўлмайди. Унинг вижир-вижирларини Қуръон оятлари-га менгашади. Шундай экан, беозор қушнинг ортимизда умргузаронлик қилишига қаршилик қилмайлик. Шундоқ ҳам жуда кўп парранда-ю даррандадан мосуво бўлиб ўтирибмиз. Уқкилар қамайиб кетди. Тоғ-

тошларда какликлар овози янграмай қўйди. Бедапоилар режасиз ҳайдаб юборилгани учун бедана питилдиғи эшитилмай қолди. Булбўл, зарғалдоқ, попишаклар тақдир ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Бир пайлар «Мен қушларга ин қурдим» деган шеърларни ўқидим. Энди эса ўқувчиларнинг баъзилари юқори қўчаларни тоқ билан балиқ «овлайдилар». Бу билан балиқнинггина эмас, қўйган уругини, чавоқларини оммавий қираётгани ҳаёлига ҳам келмайди.

Усимлик дунёсига бўлган муносабатимиз-чи? Хусусан, мевали дарахтларга қилинаётган ёвузликни асло кечириб бўлмайди. Яқинда қишлоқда бўлган бир маърақда ёши ўтиб қолган киши айтиб берди. Пайванд солинмаган, тўғри келган новдадан, уруғдан қўчат ештирарётган қаллоблар ҳам пайдо бўлибди. Улар ёш новдани кузда ердан бир қарич баландликда кесиб ташлар экан. Келгуси йил ёвдан чиққан шох худди пайвандлангандай бўлиб, кесилган новдани ўраб ўсаркан. Беш-олти йил ишлов бериб, ҳосил қутган харидор эса чапагини чалиб қолаверди.

Табиатни алдаб бўлмайди. Унинг мўъжизалари олдида ҳар қандай одам ожиз қолади. Нега бизга онамиздек меҳрини аямган табиатга, унинг жамики жонотларига бефарқ бўлишимиз керак? Табиат билан одам чамбарчас бўлгич. Агар бу боғлиқликка пўтур етса, одамзоднинг умри ҳам заволятопи.

Пардабой ТОҶИБОЕВ, журналист

## Спортимиз маликалари

Чироқчи нафақат кураги ерга тегмаган Алпоминишфат полвонлари, отлари тўғридан ўт чакнаган учқур чавандозлари, балки шатранж илмининг билимдонлари билан ҳам машҳур.

# НОДИРАНИНГ НОДИР ИСТЕЪДОДИ

— Кейинги пайтда туманимиз маркази, «Пахтакор», Салим Жўраев, Ҳамид Олимжон, «Ўзбекистон» фермер хўжаликлари уюшмаси, Дам ва Паканди қишлоқларида шахмат ишқибозлари сони кўпайди, — дейди ёзувчи ва журналист Фози Раҳмон. — Катта ёшдаги мухлис-лар Ибодулло Фуломов, Абдулла Губайдуллин, Шохимардон Акчури, Ашур Хасанов, Авло Амиркулов каби устоз шахматчиларни ҳамон эъзоз билан эслашади. Ҳозирги кунда Қобил Эшмаматов, Раҳмат Бозоров, Абдуқамол Эргашев, Абдураҳмон Нодиржоновлар туман ва вилоят мусобақаларида донна суриб, голибликни қўлдан бермай келишапти.

Туманда оилавий шахмат уйновчилар кўпайиб борапти. Қаҳрамон қишлоғилик ота-бона Абдуқамол Эргашев ва Сарвиноз Эргашевлар бунга бир мисол.

55 ёшни қоралаган Абдураҳмон аканинг барча фарзандлари ўзидек шахматга меҳри баланд бўлиб етишди. Улар орасида Нодира ўзининг нодир иқтидори ва юксак истеъдоди билан ажралиб туради. Москва шаҳридаги Геология олийгоҳида ўқиб, узоқ йиллар шу соҳада ишлаган Абдураҳмон Нодиржонов бутун билими ва қобилиятини ёш шахматчилар тайёрлашга бағишлаб келаяпти.

Беш ёшлигида шахмат ўйнаши орасида Нодира бутун кунда республикамизнинг таниқли шахматчиларидан бирига айланади. Воҳанинг олис манзилларидан бирида қамол толган қизини шахматнинг сирли олами мафтун этган.

Нодира илк бор 1999 йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган мамлакат чемпионатида иштирок этиб, ғалаба қозонди. Эндигина 9 ёшга тўлган ёш шахматчи ўзидан анча катта бўлган ўсимрлар орасида барча рақибларини лол қолдириб, Испанияда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олди. 2005 йилда Осиё чемпионатида қатнашиб, совринли ўринни қўлга киритди.

Унинг таржимаи холини уч бора халқаро ўйинлар голиби, икки қарра «Труд» газетаси турнири совриндори дипломлари беэаб турибди. Икки марта Осиё чемпионатининг бронза медалига муносиб қўрилган.

Тўққиз йилдан бери қизлар ўртасида жаҳон чемпионатида қатнашиб, қучли ўнликдан ўрин олиб келаяпти.

2007-2008 йилларда гроссмейстер Георгий Ўзамов турнирида биринчи ўринни эгаллади.

Мамлакат олий лига бахсларида учинчи ўринни олган Нодира, Германияда уюштирилган бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳам ўзини кўрсатди. Дрезден шаҳрида 200 мамлакатнинг энг қучли шахматчилари иштирокида ўтказилган мусобақаларда тўққиз ўйиндан етти очко тўлаб, халқаро спорт устаси талабларини бажарди.

— Аввало, шахмат ўйнига хос назорат қондаларини пўхта эгаш-лаш керак, — дейди Нодира. — Лекин эришилмаган муваффақиятларнинг тўксон тўққиз фоизи меҳнат ва интилишга боғлиқ.

Иззат ХИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

## Қизиқарли баҳслар

Қашқадарё вилояти қурилиш ва қурилиш ашёлар сонаоти ходимлари ўртасида Қарши шаҳрининг «Насоф» ўйингоҳида «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.




Унда қатнашчилар спортнинг шахмат, шашка, тош қўтариш, қўл қучи (армрестлинг), енгил атлетика турлари бўйича беллашдилар.

Вилоят «Тараққиёт» масъулия-ти чекланган жамияти қурувчиси Рустам Эсанов (шахмат), «Давр темир бетон сервис» корхонаси ходими Сергей Корсунов (шахмат), «Қашқадарё қурилиш монтаж бошқармаси» ходими Радмир Шарқарев (тош қўтариш), «Давр темир бетон сервис» корхонаси ишчиси Дилшод Чорнев (армрестлинг) ва «Ўрта Осиё ме-

ханизациялашган 2 МКЖ» корхонаси ишчиси Эркин Жўраев (енгил атлетика) голиблик шўх-супасига кўтарилибди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин «Ўрта Осиё механизация-лашган 2 МКЖ» корхонасига, иккинчи ўрин «Пахлавон» масъу-лияти чекланган жамият спортчи-ларига, учинчи ўрин эса «Қарши қурилиш масъулияти чекланган жамият» корхонасига насиб этди.

Ёрқул ЭШМАТОВ



## Эзгулик элчиси

тиланг фидойи фарзандлар номини кенг ёйиш унинг асосий йўналишига айлантдирилди. 2002 йил апрел ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси»ни ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, кутубхона миллий ва хорижий адабиётларнинг асосий давлат ҳазинаси, кутубхона-нашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик соҳасидаги илмий тадқиқот, методик ишларни олиб бору-чи ва мувофиқлаштирувчи илмий марказ этиб белгиланди. Фондининг тўлиқ ва универсаллиги бош кутубхоналик макomini яна бир бор исботлайди.

Ҳозирги вақтда кутубхона фонди 10 миллион хўжат нусхаларидан ортади. Уларнинг 3,5 миллиони тасаруфдаги Миллий китоб палатасида мавжуд нашрлардир. Шунингдек, эиё масканида Ўзбекистонда химоя қилин-ган диссертациялар сақланади.

Охириги йилларда фойдаланувчи-ларда хорижий илмий адабиётларга қучли қизиқиш уйғонмоқда. Жаҳон-нинг 70 тилида 370 минг нусхадан ортиқ китоблар бор. Миллий кутубхона ҳам қозғоқ, ҳам электрон кўринишдаги хорижий даврий нашрларга обуна

бўлиб келади. Фарбий Европа ва Аме-рика нашриётларининг илмий журнал-лари, электрон базасидан фойдаланиш имкониятини берувчи EBSCO Publishing, Proquest каби компания-ларнинг электрон журналлари ҳамда диссертациялар ва авторефератлар базалари шулар жумласидандир.

Маълумки, кутубхоначилик соҳа-сининг ривожини мамлакат истиқболига таъсир кўрсатувчи омиллардандир. — Бугунги китобхон — прагматик, у энг замонавий билимларни, маълумот-ларни тез ва сифатли ўзлаштиришга интилади, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутуб-хонаси директори, социология фанла-ри доктори Абду-салоом Умаров. — Ҳозир кўнгил ҳава-си учун кутубхона-да вақт ўтказадиган-лар жуда кам. Аксин-ча, аниқ мақсад-муд-дао билан келгүвчи-лар кўпчилигини ташкил этади.

Демак, кутубхо-надаги манбалар фойдаланувчилар-нинг эҳтиёжига мос

бўлган тақдирдагина у замонавий, гав-жум масканга айланиши мумкин. Бу-нинг учун аввало, фонди муттасил янгилаб бориш зарур.

Биринчидан, ноёб ва нодир манба-ларни электрон шаклга ўтказиш китобларнинг сақланишини яхшилай-ди ҳамда фойдаланиш қўламини кен-гайтиради. Ҳатто уларни бошқа юрт-лардаги талабгорларга етказиб бе-риш, сотиш имконини яратди. Элек-трон кутубхоналарни ташкил этиш эса умумдават дастури асосида амалга оширилиши мумкин бўлган кенг ми-қёсلى тадбирдир.

Шу жиҳатдан кутубхоначилик соҳа-сида ахборот технологияларидан фой-

даланишнинг муҳимлигига урғу бериш Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»-ги қароридан ўз ифодасини толган. Мазкур қарор республикада фан, таъ-лим ва жамиятни ахборотлаштириш бо-расида амалга оширилаётган тўв исло-хотлар жараёнига кутубхоначилик соҳа-сини ҳам қўшиш имконини яратди.

Кутубхоналар, айниқса, ахборот-ку-тубхона марказларига аҳолини ҳам жалб қилиш лозим. Миллий кутубхона ташаббуси билан ҳар йили сентябрда ўн кун «Мўтолаа байрами» уюштири-лиши фикримизнинг далилидир. Бизда кенг маънодаги китоб рекламаси йўлга қўйилмаган. Бу борада ноширлар, ки-тоб савдоси ходимлари билан бир қаторда кутубхоначилар ҳам ташаббус кўрсатса, нур устига нур бўлар эди.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Тошкент шаҳар касабаси уюшма-лари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касабаси уюш-малари шаҳар ташкилотлари Тош-кент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жами-яти кенгашининг раиси <b>Сайдахмуд АҲЎЕВ</b> нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.	Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, химё сонаоти ва геоло-гия ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ва Бўжоро вило-яти бўйича вақиллиги ҳамда вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоалари Марказий кенгашининг вилоят бўйича вақили <b>Бахтиёр ЭРҒАШЕВ</b> нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чў-қур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон енгил, меҳел сонаоти ва коммунал-машиий хизмат ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республика-си, вилоят вақилликлари ва Тошкент шаҳар касабаси уюшма-си кенгаши Бўжоро вилоят ва-қили Н.А.Алимовага акиси <b>Бахтиёр ЭРҒАШЕВ</b> нинг вафот этганини муноса-бати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.	Баҳмал тумани таълим ва фан хо-димлари бирлашган касабаси уюшма кўми-таси 2-умумий ўрта таълим мактабининг собиқ директори, моҳир педагог <b>Алибек МАМИРОВ</b> нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.
--	--	--	---

**Муассис:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-03-90

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133

**Navbatchi muharrir:**  
T. Shernayev  
Sh. Abdusamadov  
S. Shodiyeva

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turen» ko'chasida, 41-uy.**

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatda bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.  
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**«Ishonch»ning manzili:**  
Bosishga topshiriш вақти - 21.00.  
Topshirildi - 22.45

**Буюртма Г — 557**  
18263 нусxada bosildi  
ISSN 2010-5002  
1 2 5 6